

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

КУЗ, ХАЗОНРЕЗГИ, ГЎЗАЛ МАНЗАРА...

Ўзбекистон Давлат китоб палатаси
№...
Бос. ш. №... 1994

Куз ўзининг саховати билан бу йил ҳаммани хурсанд қилди. Деҳқонлар экин-тикинларни йиғиб олишга улгуршиганидан севинишса, болакайлар ҳали тафти пасайиб улгурмаган қуёш нурларидан завқланиб, ўйнашади. Жазирама ёзни ёз, баҳорни баҳор демай, ҳар бир гўза учун жон куйдирган пахтакор ҳам бу йилги куздан миннатдор. Ҳар қалай кун кеча бошланган совуқларгача улар ўз меҳнатлари маҳсули — пахтанинг анчагина қисмини териб олишга улгурдилар.

Хазонрезги, мевалари шигил пишган боғлар, кузги гўзал гуллар, дала, боғ, томорқа ташвишлари — куз учун хос манзаралар. Улар кишига аллақандай ўзгача завқ беради. Ҳаммани далага, боғга чорлайди. Улар қатори болалар ҳам кузнинг ана шундай тотли “ташвишлари”дан четда қолишмайди. Қишлоқда яшайдиган болалар ота-оналарига пахта теришда, мева ва сабзавотларни йиғиб-териб олишда иштирок этишса, шаҳарда яшайдиганлар ўз томорқалари, ҳовлиларида меҳнат қиладилар. Мактаб атрофидаги боғлар, тажриба —

ер участкалари ҳам уларнинг елкасида. Дарахтларни қишга тайёрлаш, ўқитувчилар, уста боғбонлар маслаҳатлари билан ортиқча шохларини кесиб, пайвандлаш ишларини завқ билан бажаришяпти. Пойтахт кўчалари эса манзаралари дарахтлар билан тўла. Хазонрезги даврида ҳаммаёқ барг билан қопланади. Шаҳар ҳавосининг бузилмаслигининг олдини олиб болалар дарслардан бўш вақтларида ўз мактаблари атрофидаги барглари йиғиб олишмоқда. Уларни ендириб ташламасдан, бирон жойга ё кўмиб ташлашади ёки мол-ҳоли бор кишиларга элтиб беришади.

Тошкент туманидаги 14-мактабнинг боғи ҳам катта. Ўқувчилар бу боғнинг асосий боғбонлари. Йўлингиз тушса бу ерда албатта уларни учратасиз. Болалар дарахтларни қишга тайёрлаётган бўладилар.

Суратларда: 14-мактаб ўқувчилари хазонларни тўплашяпти. Ёмғирдай тўкилаётган барглар остида боғда ишлашнинг ўзгача завқи бор.
Р. АЛИБЕКОВ суратга туширган.



Халқ оғзаки ижодининг йирик намоёниси, бахши-шоир Эргаш Жуманбулбул ўглининг пок руҳлари кезиб юрган адирлар воҳаси Қўшработда ҳадемай митти юлдузлар порлай бошлайди. Очил Қодиров номидаги Қўшработ туман Болалар, ўсмирлар ва ёшлар ижодий уйи қошида ташкил этилган “Иқтидорли ижодкор ёшлар” тўғараги бундай хайрли ишга

УМИДЛИ ЁШЛАР

катта замин яратмоқда. Эндигина ўз ишини бошлаган тўғарак ўнлаб ўз аъзоларига эга бўляпти. Туман марказидаги 81-, 82-ўрта мактабларнинг адабиёт ва санъатга қизиқувчи бир гуруҳ ўқувчилари ўз қобилиятларини чарқлаш учун тўғаракка бетиним қатнаб туришибди. Уларнинг илк шеърий машқлари, ҳикоялари ва чизган расмларидан шунини сезиш мумкинки, келажақда Қўшработ ёшларидан етук истеъдод соҳиблари етишиб чиқади.

Қувондиқ СИДДИҚОВ.

УКАЖОНЛАР ОЛДИДА УЯЛМАЙЛИК

Биринчи синфга келган кунимни ҳар йили биринчи кўнгирак чалинган кун хотирлаб оламан. Ушанда ойижоним кўлимдан етаклаб келиб, синф раҳбаримиз билан таништирган, кейин ёзиш-чиқишни ўргатган муаллимимиз мен учун жуда қадрдон бўлиб қолгандилар.

Бу йил эса синглим биринчи синфга борди. Биринчи кўнгирак чалинган кун у ҳам бироз ҳаяжонланди. Кейин биз бирга дарс қила бошладик. Шуниси ажабланарлики, биз мактабга келган йиллари қуйи синфларда бугунгидагидек фанлар ўтилмасди. Мисол учун: инглиз тилини биз 5-синфдан ўрганган бўлсак, синглим биринчи чоракданок

инглиз алифбосини бемалол айта оладиган бўлди. Бизлар янги йилга қадар ўзбек алифбосини ўрганган бўлсак улар бугун масала ва мисолларни бемалол еча олишяпти. Мактаблардаги бундай янгиликлар юқори синф ўқувчиларини укалари олдида уялиб қолмасликлари учун янада яхши ўқишга ундамоқда. Ҳа-да, синглим Азиза инглиз тилини мендан олдин билиб олса, уялиб қолмаманда.

Шундай қилиб, биринчи чоракни биргаликда яхши баҳолар билан яқунлаб таътилга чиқаямиз.

Шаҳло СОДИҚОВА,
Тошкент шаҳридаги
179-мактаб ўқувчиси.



БИЗГА МАКТУБ ЁЗИШНИ УНУТМАДИНГИЗМИ?

“Тонг юлдузи”нинг қадрдон газетхонлари! Ёзги таътил кунлари ҳам севимли газетангизни кузатиб борган бўлсангиз, муҳарририят қошида “Ёш мухбирлар сиртки мактаби” қайта ташкил этилгани ҳақида маълумот берган эдик. Айтиб ўтилган шартларни бажарган ҳолда турли вилоятлардан мактублар олдик. Аммо таътил кунлари бўлганлиги сабабми, биз кутганчалик жавоблар келмади. Шу сабаб ўз газетасига мақола ва хабар

ёзишга қизиққан, журналистикага ихлос қўйган барча ўғил-қизларга бу ҳақда яна бир бор эслатиб ўтишни лозим топдик.

Узоқ йиллар давомида газета қошида иш юритиб келган “Ёш мухбирлар мактаби” ўз фаолиятини яна тиклади. Унга аъзо бўлишни истаган болалар уч мавзуда:

мактаб қошидаги, туман, вилоят болалар ва ўсмирлар уюшмасининг энг қизиқарли ишлари, фойдали ташаббуслари, маҳалла ва турар-жойлардаги тенгдошларининг олиб бораётган ишлари, катталар билан ўзаро муносабатлари, уларни ташвишга солаётган муаммо, тенгдошларининг

юриш-туриши, одоб-ахлоқига оид мақолалар юборишлари зарур.

«Ёш мухбирлар сиртки мактаби»га аъзо бўлган болаларга газетанинг “Жамоатчи ёш мухбири” гувоҳномаси берилади.

Почта хизматининг, конверт ва маркаларнинг нархи ошиб

бораётгани сабаб биз ўз мухбирларимизга конверт юбориб туришни ҳам мўлжаллаганмиз. Фотосурат олишга қизиққан ўқувчилар ҳам ўз имкониятларидан фойдаланиб қолишлари мумкин. Чунки ушбу мактабга аъзо бўлган ўқувчилар доимо муҳарририят ходимлари билан ўзаро алоқада бўлиб турадилар.

Шошилинг! “Ёш мухбирлар сиртки мактаби”га аъзо бўлинг!



ОЛМА ПИШГАНДА КЕЛИНГ...

Матабимиз ҳовлисига жамоа ҳўжалигимизнинг боғи туташ. Куз бошланиши билан боғда беҳи, олма, узумлар шундай шиғил пишдики...

"Жуда серҳосил келдида куз. Қани энди териб олгани ёрдамчилар бўлса". Боғнинг кекса боғбони Назармат буваннинг шундай деганини бир неча бор эшитдик. Катталар далада, пахта билан овора. Биз эса дарсдан кейин бўшмиз. Синфимиз ўқувчилари билан келишиб, боғбон бувага ёрдамга чиқдик. Бува хурсандчилик билан бизга қўтиларни ҳозирлаб бердилар. Биз шиғил пишган меваларни уларга авайлаб жойладик. Бизнинг ҳаракатимиз бошқа синф ўқувчиларини ҳам лоқайд қолдирмади. Улар ҳам ёрдамга чиқишди.

Жамоа ҳўжалиги раҳбарлари бизнинг ишимиздан мамнун бўлиб, мактабимиз ошхонаси учун ҳам мевалардан ажратиб беришди. Бошлаган ишимиздан ҳамма хурсанд.

Шерали ҚОДИРОВ,
Сурхондарё вилояти,
Шеробод тумани.

Диёримизда саҳоватли олтин куз кезмоқда. У гўё дастурхонимизни нозу-неъматларга тўлдириб, сизу бизни сийлаётгандек. Ҳар ёнда пишиқчилик, тўкин-сочинлик. Поёнсиз далаларимиз оппоқ тусда, боғу роғларимиз олтин рангда жилоланади. Бу ажиб манзара — фусункор табиатнинг мўъжизасидир. Уни гўё дуру жавоҳирларга тўла сеҳрли сандиққа қиёслаш мумкин. Сирли сандиқнинг калити эса жонажон табиатга меҳр-муҳаббатда.

Ҳар биримиз табиатимизга эътиборлироқ бўлсак, унинг софлиги, мусаффолигини сақлаш учун астойдил интилсак, паррандаю жониворларга меҳрлироқ бўлсак, она табиат ҳам биз англаб етган - етмаган сиру синоатларини оча боради, сизу биз билан "дўстлашади".

Табиат билан дўстлашиб

Чортоқ шаҳридаги иқтидорли болалар лицейи иш бошлаганига унчалик кўп вақт бўлгани йўқ. Шу қисқа фурсат ичида ўқувчиларимиз кимё-биология, физика-математика, ўзбек тили ва адабиёти, тарих фанлари бўйича билимларни кўнун билан эгаллашга интиломқдалар. Ҳар бир фандан ўтилатган дарслар амалий машғулотлар билан мустаҳкамланиб борилаётгани ҳам айни муддао бўляпти. Оғзаки ўтилган дарслар ўқувчиларнинг теъда ёдидан кўтарилиши мумкин. Агар билимлар амалда мустаҳкамланиб борилса, уларнинг ёдидан узоқ саналади. Ана шу мақсадларда мактабнинг 8-"Б" ҳамда 8-"В" синф ўқувчилари Фарғона водийсига амалий-илмий дала сайрига чиқдилар. Улар водийнинг ўсимликлари, ҳайвонот олами, тупроғи, сувлари ва унинг эрозияси ҳақида суҳбатлашдилар. Ўтилган дарслар бўйича баҳс ва мунозаралар юритдилар. Борган сари камайиб кетаётган каклик ва бошқа ноёб қушларни кўрдилар, табиат ходисаларини кузатдилар.

Аҳатжон АКБАРОВ,
Чортоқ шаҳар иқтидорли болалар
маҳсус мактаб лицейи ўқитувчиси.

Аксарият ўғил болалардан "Энг суйган жониворинг қайси?" деб сўрасангиз, "Кучук" дея жавоб беришлари тайин. Кейин эса ўзларининг "Қоплон"у, "Сиртлон"лари ҳақида тўлқинланиб гапира кетадилар.

Тошкент шаҳридаги 45-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Мирмансур Абдуллаев эса юнглири момиқдек майин қуёнларга меҳр қўйган. Оқ, кулранг, кўкимтир тусдаги бу беозор жониворлар ҳам Мирмансурга жуда-жуда кўникиб қолишган.

ЖОНЛИ СОВҒА

— Дастлаб 2 донагина қуёним бор эди, — дейди Мирмансур мамнун жилмайиб. — Жониворлар жуда тез кўпаяр экан. Мана кўриб турганингиздек уларнинг сони 40 тадан ошиб кетди. Акмал исмли дўстимнинг ҳам қуёнларимга жуда-жуда ҳаваси келиб юрар эди. Яқинда дўстимнинг туғилган куни бўлди. Қуёнларимдан бир жуфтини унга совға қилдим. Ўзи ҳам майлия, жажжигина сингилчаси Малоҳатнинг севинчи ичига сиғмай кетди. Мен Акмалга қуёнларни қандай парваришлаш, нималар билан боқиш кераклигини тушунтириб бердим.

Бу мактабда тахсил оладиган ўқувчилар орасида Мирмансур сингари жониворларга меҳр қўйган болалар жуда кўплаб топилади. Акмал эса улар сафини янада кенгайтди.



Суратда: Мирмансур суюкли қуёнлари ҳақида ҳикоя қилишни хуш кўради.
Р. АЛЬБЕКОВ суратга туширган.

Биласизми?

Австралия аниғи — коала ҳеч қачон сув ичмайди. У фақатгина эвкалипт япроқлари билан озиқланади. Бу япроқларнинг шарбати коалани сув билан таъминлайди.

Энг баянд овоз билан наъра тортувчи ҳайвон — шер. Унинг товуши инсон қулоғи пайқаб оладиган овоздан юз минг маротаба кучли.

Янги туғилган китнинг вази катта ёшдаги филдан ҳам оғир бўлиб, беш тоннача келади. Кенгуру боласи эса 10-20 грамм, яъни ангишвона катталигидан ошмайди.

Энг митти қушлардан булган колибр олд, орқа ва ён томонларга уча олади.

Пингвин фақатгина Антарктидада яшайди.

Тимсоҳнинг оёғи яшил рангда бўлади. Бошқа ҳайвонларники эса — оддий, сариқ тусда.

Дунёдаги энг катта қуш — туяқуш бўлиб, оғирлиги 90-100 килограмм, бўйи 2,75 метргача боради.

Хамелеон (буқаламун) бир пайтнинг ўзида бир кўзи билан олдинга ва юқорига, иккинчиси билан эса орқага ва пастга қарай олади.

“АРАЗЛАГАН” ҚУШЛАР

Шундан бўлса керак, қушлар ҳам ҳеч одамдан ҳайиқшмайди. Оёқларингиз остида гала-гала кабутарларнинг ку-қулаб юришларини кўриб, завқингиз ошади. Кўп қаватли уйлارнинг пештоқларига кўниб, ўзлари учун сепаб қўйилган нон ушоқларини ейишади.

Бизларда-чи? Мутлақо ўзгача манзара. Кўпчилик ўйинроқ болалар қушларни маҳсус чўзмалардан топ отиб, мажруҳ қилиб қўйишади. Нафақат кабутарлар, ҳатто беозор мусичалару инсонларнинг содиқ дўсти бўлмиш қалдирғочларга ҳам тинчлик беришмайди. Қушларнинг полапонларини қийнаб юрган болаларни кўриб, ранжиб кетасан киши.

Авваллари пахтазорларимиз ешасига дефоляция қилинар, бу эса нафақат одамлар саломатлигига, балки, жонзотларга ҳам катта салбий таъсир кўрсатар эди. Боғларимиздаги сайроқи булбуллар, сутоқ, попишак, чақчи, заргалдоқ, олатуганоқ сингари қушларимиз йўқолиб кетганлиги ҳам бежиз эмас.

Она табиатимизга эътиборлироқ, қанотли дўстларимизга меҳрибон, гамхўр бўлсак, ана шу бизлардан “аразлаб” кетган қушларимиз яна қайта боғу роғларимизга файз киритишармиди?!

Дадажон АБДУРАҲМОНОВ,
Фарғона шаҳри.

Дўстим Маҳмуд билан кенг далада қўйларни ўтлатиб, қизиқ-қизиқ латифалардан айтиб, кулишиб ўтирардик. Тўсатдан дўстим ирғиб ўрнидан турди-ю, каттакон сада дарахтига чиқиб кета бошлади.

— Ҳа, Маҳмуд, йўл бўлсин? — сўрадим ҳеч нарсдан беҳабар.

— Қўйларга қараб тур, мен ҳозир!

— Пастга туш, йиқилиб тушмагин тагин, — десам:

— Э, нималар деяпсан, мени Маҳмуд

дейдилар! — деди-ю, янада баландроқ чиқа бошлади. Кейин билсам, садада аллақандай қушнинг уяси бўлиб, дўстим у ердаги —

ЖАЗОСИНИ ОЛДИ

миттигина полапонларни олмоқчи экан. Шу пайт қаёқдандир она қуш пайдо бўлди-ю, унинг безовта чинқириғи эшитилди. Зумда 20-30 чоғли қушлар дарахт атрофида уча бошладилар. Ҳаммаёқ қушларнинг

чуғирига тўлиб кетди. Маҳмуд эса дарахтдан йиқилиб тушди. Ранги ўчган, оёқ-қўллари лат еган. Кейин эса ўзини тутолмай йиғлаб юборди...

Маълум бўлишича, она қуш унинг қўлини чўқиб олганида оғриққа чидай олмай ўзини ташлаб юборган экан. Бизлардан сал нарида ер чопаетган амаки ёрдамга келди. Беозор жониворларга озор бериш яхши эмаслигини тушунтириб, танбеҳ берди.

Ўткирбек ИСАБОВ,
Чортоқ туманидаги Алихон қишлоғи.



Биргаликда баҳам кўрайлик.

«НИЛУФАР» клуби ишқибозларига топшириқ!

Азиз табиат шайдолари! Ҳадемай, қиличини яланғочлаб қиш келади. Жониворларга раҳм қилсангиз, синфингиз, маҳаллангиздаги тенгдошларингиз билан биргаликда қушлар учун ин ясаб, дарахтларга илиб қўйинг.

Шу билан бирга йилнинг фаслдан фаслга ўтиш даврини кузатиш. Ушбу қилган ишларингиз ва кузатишларингизни бизларга ёзиб юборинг.

Саҳифани Феруза ЖАЛИЛОВА тайёрлади.



Диёр тез-тез эслаб турадиган бир туш бор. Уни у жуда кичиклигида кўрган экан. Ушанда аллақандай, ҳаётдаги ўхшамайдиган бир самолётга ўтириб, фазога учаётган эмиш. Пастда эса дадаси хавотир билан унга қараб: "Пастга туш, ҳали ҳаммаси тайёр эмас. Тушиб кетасан!", деяётганмиш. Диёр эса бунга эътибор бермас, дадаси ясаб берган самолётда баланд ва яна баландга учиб кетаверар экан...

Ҳозир бу тушни эслаганда Даминжон ака "Ҳозирги ишларингга шу туш туртки бўлган бўлса ажабмас", дея жилмайиб қўяди. Чунки Диёр жуда кичиклигидан техникага ихлос қўйди. Уйдаги асбобларни олиб ҳали у, ҳали бу нарсани ясаб кўриб, асбобларни жойидан топа олмаган дадасидан хўлам

ФАЗОГА "УЧГАН" БОЛА

гап эшитган кунлари кўп бўлди. Кейин у Фарғона шаҳар ёш техниклар станциясига аъзо бўлди. Қизиқишини, техникани билишга интилишини шу ердаги билимлар билан қондира бошлади. Устозлари берган билимларни, ўргатган ҳунарларни қунт билан эгаллаб, ҳатто бироз муваффақиятга ҳам эришди. Картинг бўйича ўтказилган туман, шаҳар мусобақаларида иштирок этиб, аввал кичик ўринларни эгаллаб юрди. Бу йил эса вилоят бўйича ўтказилган мусобақаларда иккинчи ўринни

эгаллашга муваффақ бўлди. — Ҳамма нарсани ўрганиб олдим, деган киши барча соҳада саёзлашиб қолади. Айниқса, техникада, — дейди Диёр. — Техниканинг барча сирларини ўрганиб олиш учун йиллар талаб қилади. Менинг ҳаётим эса энди доимо унга боғланган.

Ўз олдига аниқ бир мақсад қўйган ва унга эришиш йўлида барча тўсиқлардан ўтишга тайёр ёшлардан кўп буюк ишлар кутамиз. Ана шундай болалар илмимиз, техника тараққиётимиз илғорлари бўлиши аниқ. Биз Фарғона шаҳридаги 1-мактаб ўқувчиси Диёр Ҳалиловнинг ҳам ана шулар орасида бўлишига ишончимиз комил.

Р. АЛБЕКОВ суратга туширган.

Азим Тошкент шаҳрининг марказида қад кўтариб, мухташам кўрк бериб турган Республика ўқувчилар саройи ҳар доим болалар билан гавжум. Қишқимида ёки ёзги — таътил кунлари ҳам ёшлар аримади бу ердан. Ушбу сарой олиб бораётган ишлар ҳақида бир неча бор газета саҳифаларида ёзилган, радио ва ойнаи жаҳон ижодий ходимлари ҳам ушбу ҳунар масканини мактаб ўтишган. Аммо яна бир бор шу сарой ҳақида тўхталмоқчимиз.

— 1995 йилнинг декабрь бўлишиди. 1993 йилнинг ёзги таътил ойларида Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, халқаро инженерлик академиясининг академиги Шавкат ака Воҳидов асос солган Халқаро ёзги аэрокосмик мактабда ўқувчилар бир гуруҳ покстонлик аэрокосмонавтикага иштиёқманд болалар билан 12 кун бирга бўлишди. Ўзаро ҳамкорлик кунларида покстонлик болалар ўзбекистонлик тенгдошларини

Мустаҳкам билим — келажак пойдевори

ойида Республика ўқувчилар саройи ўзининг 60 йиллик юбилейини нишонлайди, — дейди энг аввало сарой директори Олия опа Иброҳимова. — Шунча йиллар давомида сарой ходимларининг асосий мақсадлари — ўқувчи ёшларнинг билимларини ҳар томонлама ошириш, ҳунар ўргатиш, ота-боболаримиздан мерос қолган халқ амалий санъатини уларнинг ҳам қалбига, дилига жо қилиш бўлди. Бу йўлда тинмай изланадиган, ўз устида жиддий ишлайдиган, янгиликлардан четда қолмайдиган ўқитувчиларимизнинг меҳнатлари зое кетаётгани йўқ. Бугун мамлакатимизнинг турли соҳаларида ўз қасбининг устаси бўлиб, хизмат қилаётган олимлар, мутахассислар ичида бизнинг ҳам талабаларимиз бор.

Ҳа, бу гапда жон бор. Узок йиллардан буён саройда турли йўналишдаги тўғарақлар фаолият олиб бориб, ёшларга ўз билимларини оширишларида катта кўмак бермоқда. Бугунги кунда ҳам бу ерда 285 дан зиёд тўғарақлар иш олиб бермоқда. Уларга 4800 нафарга яқин болалар жалб этилган. Иқтидорли болаларга айниқса эътибор жиддий. Бундай ёшлар билан ишлаш учун ҳар бир тўғарақ раҳбари ягона муаллифлик дастурини ишлаб чиққан. Бугунга қадар ана шундай муаллифлик дастурларининг 100 дан ортиги мавжуд бўлиб, шулардан 20 таси китоб ҳолида чоп этилиб, вилоят ва туман ўқувчилар ижодиёт уйларида тарқатилган.

Изланишлар ўз самарасини бермоқда. Мирзо Улугбекнинг 600 йиллигига бағишлаб "Улугбек" жамғармаси томонидан ўтказилган "Биз ёш истеъдодларни излаймиз!" танловида саройнинг иқтидорли ўқувчилари мутлоқ голиб

ўз юртларига таклиф этишганди. Шу йилнинг июль ойида Покистонда ҳам аэрокосмик мактабнинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Унга Республика ўқувчилар саройи методист раҳбари Алишер Усмонов, академик Шавкат ака Воҳидов, саройга қарашли аэрокосмик мактаб ўқувчиси Рустам Абдуразоқов, бухоролик Улугбек Курбонов, самарқандлик Вали Шавқиев ҳам таклиф этилди. Болалар мактабнинг очилиш маросимида иштирок этиш билан бирга ракетасозлик, аэрокосмонавтика бўйича ўзлари ясаган моделлар билан ҳам иштирок этишди ва бир қанча мукофотлар билан қайтдилар.

— Саройимиз учта — Кибернетика, Биохимия, Механика илмий текшириш институтлари, "Ўзбеккабель", Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш заводи билан жиддий ҳамкорлик қилади, — дейди Олия опа. — Институт олим ва профессорлари иқтидорли болалар билан алоҳида шуғулланадилар, завод ишлари билан мутахассислар ўқувчиларимизни таништириб борадилар.

Ушбу улкан ишларни амалга оширишда сарой директорининг ҳам хизмати катта эканлигини айтмай ўтиш мумкин эмас. Олия опанинг бу беминнат хизматини ҳукуратимиз баҳолаб, у кишини "Шухрат" медали билан мукофотлади.

Саройнинг шинам хоналарида ҳунар ўрганаётган, ўз билимларини чуқурлаштиришга уринаётган болаларни кўриб, дилимиз қувнади — уларнинг билимлари қанчалик мустаҳкам бўлса келажакимиз равнақи шунча юксак бўлаверади.

Қаҳрамон ЖАМОЛ,
ТошДЦ толиби.

"ҒУНЧА" — КИЧКИНТОЙЛАР ЖУРНАЛИ

Азиз кичкинтойлар! Сиз саҳифаларида акс эттириб ҳақда ҳикоя қилади. "Ғунча" журналин севиб, келмоқда. Шунингдек, "Туроннинг буюк қизиқиб ўқийсиз-а? "Ғунча" "Ғунча" журналин сизнинг фарзанди" деб номланган журналининг чиқа бошлаганига ўқишингизга, оламни саҳифамиз буюк алломалар ҳам мана, 35 йилдан ошиб кетди. танишингизга ёрдам беради. ҳаёти ҳақида. Бизнинг маданий ўзининг сермазмун ҳикоя ва Журнал сизнинг юрагингизга меросимиз бой, қадимий. лавҳалари, ажойиб шеър- Ватан туйғусини сингдиришга, Ойнома миллий эртаклари, қизиқ суратлари она заминга меҳр-муҳаббат қадриятларимиз, урф- билан сиз кичкинтойларни уйғотишга, мустақил фикр одатларимиз, болалар ўйинлари, тарбиялаш ишига катта ҳисса юритишга ундайди. болалар қўшиқларига кенг ўрин қўшиб келмоқда. Журналда Сиз бағри кенг, қалби пок ажратган. "Олтин бисот — олмос босилаётган асарлар, топишмоқ саҳий халқнинг фарзандисиз. Сиз бисот" — болалар севиб ўзбек номини улуғлаган, шу халқ ўқийдиган саҳифалардан маънавиятини юксакликка ҳисобланади. "Ғунча" саҳифалари қизиқ, рағбатбаранг, сермазмун асарларга бой.

"Ғунча" — мустақил Халқимизнинг ҳақиқий бахти учун курашган боболаримизни ўзбекистонимизнинг эртанги куни, келажак бўлган сиз билиб олишингиз керак. Журнал болажонларнинг қувноқ саҳифаларида очилган ҳаётингизни, сизларнинг қувноқ "Боболаримизни таниб олайлик" ва ташвишларингизни ўз, деб номланган янги руқн шу

Ф. СП-1

Ўзбекистон Алоқа вазирлиги «Матбуот уюшмаси»
"ҒУНЧА"
(нашр номи) 75231
(нашр кўрсаткичи) (нашр кўрсаткичи)

рўзномасига ОБУНА

обуна сон											
1995 йил учун (ойлар бўйича)											
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга
(почта кўрсаткичи) (манзил)
Кимга
(насаби; исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

ОЙНОМАНИ ЕТКАЗИШ ВАРАҚЧАСИ

		75231
п.в.	жойи	(нашр кўрсаткичи)

"ҒУНЧА"
(нашр номи)
обуна баҳоси сўм обуна сон
янги ман-вилга юбориш баҳоси сўм

1995 йил учун (ойлар бўйича)											
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга
(почта кўрсаткичи) (манзил)
Кимга
(насаби; исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

Обуна баҳоси:
1 йилга — 51 сўм 60 тийин
6 ойда — 25 сўм 80 тийин
1 ойда — 4 сўм 30 тийин
Нашр кўрсаткичи: 75231.

Тиниқ булоқлардан сув ичган ниҳол

Шодивой — ҳозирча синфдошлари орасидаги иқтидорли ўн ўқувчининг бири. Унинг шеърлари эса республикамизнинг яқин-йироқ ҳудудларида яратилаётган умидбахш минглаб шеърлардан ўзига хосликлари билан ажралиб туради.

Бу шеърларда тиниқ фикрлар образли тилда, қуйма сатрларда ифодаланади. Шодивойнинг машқларини ўқиган киши бу еш ижодкорнинг нигоҳи теранлигига, мушоҳада олами кенглигига, билими кучлилигига гувоҳ бўлади. Уларда болаларча беғубор туйғулар, яшиноқ фалсафа, халқ оғзаки ижодидан баҳраманлик қабашиб турибди.

Шеърят оламига катта ҳайрат ва эҳтиром билан келаётган бу шоирга ижод завқи ҳамиша ҳамроҳ бўлсин!

Муқаррама МУРОДОВА.



ДОНО ШОҲ

Эртақ — дoston

Қадим ўтган замонда,
Қайсибир бир томонда.
Бўлган экан бир днёр,
Кувончлар бунда бисёр.
Одамлар экан камтар,
Бўлмакан ағдар-тўнтар.
Уғлонлар ботир эмиш,
Ҳар ишга қодир эмиш.
Шундайин бир мамлакат,
Ундан йироқ фалокат.
Бир доно шох бор экан,
Дустлар унга ёр экан.

Йиллар ўтиб тўхтамай,
Доно подшоҳ қарибди.
Уйланибди у бисёр,
Сочлари оқарибди.
Кушлар яшил боғларда,
Куйласа ҳам баётин.
Кўп ўйлаиб қолибди,
Келажакда ҳаётин.
Подшонинг боши минг
Уй-хаёлга тўлибди.
Уғиллардан бирини
Шоҳ қилмоқчи бўлибди.

Учта эмас, иккита,
Уғиллари бор экан.
Турдиали — тўнғичи,
Бир Нурали деган.
Умрининг ҳам охири.
Ҳоким қилсин юртига
Уғиллардан қай бирин?

Хузурига чорлабди,
Охир икки ўғилни
Бир-бирдан хушқомат,
Ботир икки ўғилни.
.. Уғилларга тайинлар
Икки гўзал юртини.
Уларни ҳоким қилар —
Нурали ва Турдини.
Уғилларга ҳокимлик
Ҳозирча синов эди.
Ота бундай сирини
Лек уларга айтмади.
Ота дер: — Уғилларим,
Лекин шунинг билангиз —
Икки йил ўтгандан сўнг,
Қошимга бир келингиз.
Лашкар билан жўнатар,
Ёага қилич солар, деб,

Олтинлардан беради.
Керак бўлиб қолар, деб.

Жўнар ботир ўғиллар,
Икки юртга севинчдан
Энди гапни эшитинг:
Турдиали — тўнғичдан.
Гўзал юртининг биттаси,
Турдиали қўлида,
Халқ хурсанддир, бўстонлар,
Яшнар ўнгу-сўлида.
Яшнатганди, отаси,
Илгари бу днёрни.
Узига яқин тутган
Атрофдаги дўст-ёрни.
Гўзал экан қизларнинг
Усма қўйган қошлари
Кампир-чоллар жуда шод,

Оқармаган сочлари.
Иродали йигитлар,
Ботир эмиш, навқирон.
Ишонч зўрдир улларга,
Юртга келса гар қирон.
Халқ ўйлайди: кейин ҳам,
Дил шодликка тўларми?
Янгиси — буниси ҳам
Доно подшоҳ бўларми?
Бироқ дарров билинди,
Янги шох — Турдиали
Узин ўйлар, хаёлини
Бойликка бурди Али.
Ота берган олтинлар,
Яна кўпайиб қолди.
Халқнинг шод дилига,
Очлик захрини солди.
Аваллига гўзал днёр,
Саҳроларга айланди.
Боғлардаги кушлар ҳам,
Узга юртга шайланди.
Бунда қилмай қўйибди,
Болалар шовқин-сурон,
Кўпайибди офатлар,
Етиб келгандек бўрон.
Сира ўйга олмади

Ижодкор ўқувчиларнинг Республика анжумани олдида

Турдиали днёрни.
Хатто унутиб қўйди,
Атрофдаги дўст-ёрни.
Эртакининг шу жойида,
Қўйиб турай Турдини,
Билэйлик, не қилмоқда,
Нурали ўз юртини.
Гўзал юртининг биттаси,
Нуралибек қўлида.
Боғлар яшнар, эли шод,
Унинг ҳам ўнг-сўлида.
Гуллатган-да отаси,
Илгари бу днёрни.
Узига яқин тутган,
Атрофдаги дўст-ёрни.
Хўп ўйлабди отаси
Илгари бу эли ҳам.
Шул сабабдан Нурали,
Маҳкам боғлар белни ҳам.
Халқ ўйлайди: кейин ҳам,
Дил шодликка тўларми?
Янгиси — буниси ҳам
Доно подшоҳ бўларми?
Аммо ўз отасига
Тортган кичик Нурали
Днёрим, халқим дейди,
Аваллига гўзал днёр,
Фирдавсга айланди.
Узга юртининг кушлари,
Ушбу юртга шайланди.
Камбағал, етимларнинг,
Кўнгилларин овутиди,
Дилдаги ғам лашкарнинг
Юрагини совутди.
Ҳар ёқда қилар экан,
Болалар шовқин-сурон,
Бу юрт аталар экан,
Буюк эл, Буюк Турон.
Икки юртининг биттаси,
Нуралибек қўлида.
"Отанга раҳмат" сўзи,
Жаранглар ўнг-сўлида.
Отасин соғиниб
Бормоқ бўлар олдига
Отасининг сўзлари,
Бот-бот келар ёдига.
Акасига бориб у
Шундан хўп баҳс-лашар,
Турдиали маъқуллаб,
Иккаласи аҳдлашар.
Шундай қилиб охири,
Йўлга чиқар икковлон.
Ака-ука боламас,
Шаҳзодадир, зўр ўғлон.

Узоқ йўлларни босиб
От, туялар толдилар.
Ҳашаматли саройга,
Яқинлашиб қолдилар.
Саройга бошлар қадам,
Турдиали гурур-ла.
Аста орқадан юрар
Нурали-чи сурур-ла.
Отасининг олдида,
Қилдилар таъзим, сапом.
Уртада гир-гир бўлиб,
Айланар ширин калом.
Ота бир-бир сўйлайди,
Зўр соғинчдан кутганин.
Уғиллар-чи гапирар
Бошларидан ўтганин.
Бошлар ўзи ҳақида,
Турдиали тўнғичи.
Гурури бор ўзгача
Дилда тошган севинчи:
— Мана кўриб турибсиз,
Меҳрибоним отажон,
Сизга шунча бойликни,
Ким инъом қилган, қачон?
Сиз берган олтинларга,
Боз олтинлар қўшилди.
Дунё бўлди бойлигим,
Йўлимга зар тўшалди.
Ўз юртининг бошқариб,
Хўп орзулар ўйладим.
Ҳазинамга ҳар ёқдан,
Бойлик, олтин тўплладим.
Сарой аҳли менга хўп,
Хушомадни билдилар.
Ҳазинами шу сабаб
Тўла дунё қилдилар.
Мамлакат ўз қўлимда,
Шаҳзодаман чиройлик.
Мана туя, отларга
Ортиб келдим хўп бойлик.
Мол дунёдан шодлигин,

Тўнғич бориб сўйлабди.
Тугатади севинчдан,
Дилдаги бор гапни.
Қари ота шу замон,
Ранглари ўчиб кетди.
Зир-зир титраб юраги
Жойидан кўчиб кетди.
Қалбининг зар чопонин,
Бўронлар ечиб кетди.
Юрак дарёсин девлар
Лойқалаб, кечиб кетди.
Кучоғидан довуллар,
Гўёки кучиб кетди.
Осойишта кўнгилнинг,
Кушлари учиб кетди.
Дилдан кетган ғамларнинг,
Қабрини очиб кетди.
Кувончининг юзларига
Захрини сочиб кетди.
Юрагига ғуссанинг,
Кўйлагин бичиб кетди.
Қалбининг кўз ёшини,
Шод девлар ичиб кетди.
Тўнғич гапни, кўксидан
Ҳанжарлар тилиб қўйди.
Ох, ғамгин ота аста
Лабини буриб қўйди.
Сўнгра гапин бошлади,
Нурали ҳам — кичиги,
Унинг табассумидан
Очилар қалб эшиги:
— Юрт бошқариб бойликка,
Урмадим асло тумшук.
Олдингизга, кечиринг,
Қайтаяман қул-қуруқ.
Гўзал юртининг биттаси
Бўлди менинг қўлимда.
Қарасам, боғ-бўстонлар,
Яшнар ўнгу-сўлимда.
Мен яна хўп яшнатдим,
Афсона боғ юртини.
Мамлакатнинг яна-да,
Ўйладим кам-кўстини.
Аваллига гўзал днёр,
Фирдавсга айланди.
Узга юртининг кушлари
Ушбу юртга шайланди.
Камбағал етимларнинг,
Кўнгилларин овутиди.
Дилдаги ғам лашкарнинг
Юрагини совутди.
Гўзал юртининг биттаси
Бўлди менинг қўлимда.
"Отанга раҳмат" сўзи,
Янгради ўнг-сўлимда.
Отанинг ҳам дафъатан,
Қалби ёришиб кетди.
Уғлидаги табассум
Унга қоришиб кетди.
Курган қалб саҳросини,
О, бир сугориб кетди.
Ҳозирги ғуссаларнинг,
Кўксини ёриб кетди.
Юрагин қирғоғига
Кувончи тошиб ўтди.
Шодлик қуши ғуссалар
Тоғидан ошиб ўтди.
Кучоғидан шабада,
Гўёки кучиб кетди.
Ғамга тўла кўнгилнинг
Кушлари учиб кетди.
Бу гапдан кўксидан
Гул униб, яшнаб кетди.
Кувонч тўлиб юракка,
Кўзлари чакнаб кетди.
Билдириш-чун халқига,
Вазирларин чорлаб тез.
Йиғилишиб қолибди,
Халойиқ ҳам шундай кез.
Аёлларга тўй учун,
Нон — патирлар ёптирар,
Улкан юртга шодликни
Кенжасига топширар.
ХОТИМА
Неча ойлар ўтса-да,
Неча йиллар ўтса-да,
Эсар дом майин ел,
Обод яшар ўша эл.
Қандай яхши, юрт аро
Тилдан тушмас бир инсон
Достон, қўшиқ, жаранглар,
Доно шох ҳақда ҳамон.

Шоҳи ОТАМУРОДОВ,
Алишер Навоий номидagi
республика Нафис санъат лицейи
толиби.

ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЯЛАРИ ОБУНА ВАРАҚАСИНИ БЕХАТО ТўЛҒАЗИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛИНГИ

Агар обуна «Матбуот уюшмаси» агентлигида расмийлаштирилган бўлса, касса аппаратурининг муҳри, алоқа бўлимларида расмийлаштирилганда эса тақвим штемпели, албатта, бўлиши керак.

Бу ҳолда обуначиларга абонемент билан бирга пул қабул қилинганлиги ҳақида квитанция берилади.

АЗИЗ ОБУНАЧИ УРТОҚЛАРИ

Рўзнома ва ойномаларга обуна варақасини сиёҳли ручкаларда ҳагосиз, сўзларни қисқарттирмасдан ва тушунарли қилиб тўлғазинг.

Обуначи ўз турар жой манзилгоҳи, насаби, исми ва отасининг исминини аниқ ёзиши талаб этилади.

Обуна варақасидаги «ПВ-Жойи» деган ёзувли катакларни алоқа бўлимлари ва «Матбуот уюшмаси» агентликлари ходимлари тўлғазди.

Жаҳон қизалоғимиз Мадинахон!

Турилган кўннинг ва биринчи синфга қўйган қадамнинг қутлуғ бўлсин. Сенга соғлиқ, узоқ умр, уйимизнинг гўзал фариштаси бўлишингни тилаймиз. Ажойиб хулқинг ва аъло ўқишларинг билан бизларни хурсанд этиб юравер.

Адажонинг, ойижонинг ва опанг Зилолаxon.

РИЗАЕВЛАР оиласи.

ТАБРИКЛАЙМИЗ!



Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Музаффар ПИРМАТОВ

Т
Ю

Тахрир хайъати:
Сафар БАРНОЕВ, Феруза ЖАЛИЛОВА,
Сойибжон ИСМОИЛОВ, Дилдора
ТУРАХМЕТОВА, Сабоҳат ШУКУРОВА.

Таъсис этилувчилар:
ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ МАРКАЗИЙ
ҚУМИТАСИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ
ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
Газета 1929 йил, 1 августдан "Ленин учкуши"
номи билан чиқа бошлаган

Газета ҳафтанинг сешанба кўни чиқади

Маълумот учун телефон: 33-44-25

Бизнинг манзилгоҳ:
700083. ТОШКЕНТ ШАҲРИ,
МАТБУОТЧИЛАР КўЧАСИ, 32-уй.
Навр кўрсаткичи: 64563

"ШАРҚ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000137. Буюртма № Г—1002. 14834 нусхада босилди. Ҳажми — 1 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—3.

Босишга топшириш вақти 19.00. Босишга топширилди 19.00.

1 2 3 4 5 6